

## VII. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 28178 тани ташкил қилиб, шундан 27176 таси ёки 96,4 фоизи фаолият кўрсатмоқда.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7000 та (24,8 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 4050 та (14,4 фоизи), саноат 3784 та (13,4 фоизи), қурилиш 3302 та (11,7 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1305 та (4,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

### Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади (2020 йил 1 июль ҳолатига)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>28178</b>	<b>100,0</b>	<b>27176</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4050	14,4	3870	14,2
Саноат	3789	13,4	3655	13,4
Қурилиш	3302	11,7	3177	11,7
Савдо	7000	24,8	6782	25,0
Ташиш ва сақлаш	931	3,3	902	3,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1305	4,6	1239	4,6
Ахборот ва алоқа	327	1,2	312	1,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	658	2,3	647	2,4
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6816	24,3	6592	24,3

**Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 88,5 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 37,0 фоизи хусусий корхоналар, 0,8 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 62,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.**

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади**  
( умумий сонига нисбатан фоизда)



2020 йил январь-июнда жами 2610 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 2532 та). Уларнинг асосий қисми Қарши шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 18,9 фоиз), Чирокчи (10,6 фоиз), Қарши (7,2 фоиз), Нишон (6,8 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 33,4 фоизи савдода, 25,1 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 17,7 саноат соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик  
шакллари бўйича тақсимлаш**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) бирликда

	<i>Жами, бирлик</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>	<i>шундан хусусий</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>28178</b>	<b>3231</b>	<b>24947</b>	<b>9241</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Қарши	5851	415	5436	1297
Шаҳрисабз	1746	160	1586	753
<i>туманлар:</i>				
Ўзур	1307	189	1118	432
Деҳқонобод	1361	184	1177	886
Қамаш	1885	224	1661	673
Қарши	2173	198	1975	787
Косон	2153	260	1893	474
Китоб	1855	244	1611	884
Миришкор	995	144	851	189
Муборак	1024	109	915	209
Нишон	1147	131	1016	373
Қасби	1125	170	955	353
Чироқчи	2356	341	2015	738
Шаҳрисабз	1358	217	1141	434
Яккабоғ	1842	245	1597	759

**Корхона ва ташкилотлар сони**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)


	2020 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган	2020 йил январь-июнь ойларида	
		ташкил топди	тугатилди
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>28178</b>	<b>2610</b>	<b>423</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Қарши	5851	494	51
Шаҳрисабз	1746	117	10
<i>туманлар:</i>			
Ўзгир	1307	109	16
Деҳқонобод	1361	136	24
Қамаш	1885	164	13
Қарши	2173	187	32
Косон	2153	175	63
Китоб	1855	140	16
Миришкор	995	150	32
Муборак	1024	101	20
Нишон	1147	177	27
Қасби	1125	109	29
Чироқчи	2356	277	30
Шаҳрисабз	1358	126	22
Яккабоғ	1842	148	38

2020 йилнинг январь-июнь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 17 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 44 тага камайган.

Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида 6 та, Россия Федерацияси 3 та, Афғонистон 2 та, Туркменистон 1 та, Туркия Республикаси 1 та, Қирғизистон Республикаси 1 та, Жанубий Корея Республикаси 1 та, Эрон Ислом Республикаси 1 та, Канада 1 та корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2020 йилда Украина ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма фаолиятга кизиқиш билдирдилар.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони**  
(2020 йил январь-июнь ҳолатига)


(бирликда)



*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.*

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида ушбу маълумотлани 2020 йил 1 июль ҳолатига кўрсак энг кўп саноатда 104 та (50,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 34 та (16,6 %) ҳамда савдода 30 та (14,6 %), қурилишда 11 та (5,4 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда мос равишда 8 та (3,9 %) ташкил қилган. Энг камлари эса ахборот ва алоқада 2 та (1,0 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 4 та (2,0 %) ташкил қилган. Шундан кўриниб турибдики, фаолият юритадиган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келаркан. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқада, ташиш ва сақлаш фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**




## Оилавий корхоналар сони



Қашқадарё вилояти бўйича жами юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига 1678 тани ташкил этиб, улардан 1604 таси ёки 95,6 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан рўйхатдан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонини ўртача 63,9 % га ошган.

**Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар, бирликда**



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 528 таси 32,9 % саноат, 343 таси 21,4 % савдо, 283 таси 17,6 % яшаш ва овқатланиш хизматлари, 263 таси 16,4 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 31 таси 1,9 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 17 таси 1,1 % қурилиш, 12 таси 0,7 % ташиш ва сақлаш, 11 таси 0,7 % ахборот ва алоқа ҳамда 116 таси 7,3 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни  
иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**




**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**





Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 22326 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 6746 таси (30,2 %) - савдода, 3831 таси (17,2 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 3610 таси (16,2 %) - саноат, 3155 таси (14,1 %) - қурилиш, 1224 таси (5,5 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 882 таси (4,0 %) - ташиш ва сақлашда, 498 таси (2,2 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 307 таси (1,4 %) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 2073 таси (9,2 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа соҳасида тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Қашқадарё вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 30,2 % савдо соҳасида, 17,2 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 16,2 % саноатда, 14,1 % қурилиш соҳасида, 5,5 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 4,0 % юк ташиш ва сақлаш, 2,2 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 1,4 % ахборот ва алоқа ва 9,2 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.